ТАШКЕНТ



# Бароқхон мадрасаси

# Медресе Барак-хана

В. БУЛАТОВА

# БАРОҚХОН МАДРАСАСИ

•

# МЕДРЕСЕ БАРАК-ХАНА

ИЗДАТЕЛЬСТВО «УЗБЕКИСТАН»
ТАШКЕНТ — 1972

72С1
Б 94

3-2-1
1972

Бароқхон мадрасаси Тошкентнинг XVI асрга оид энг гўзал архитектура ёдгорликларидан биридир. Ривоятларга қараганда унинг қурилиши шайбонийлар авлоди Наврўз Аҳмадшох билан боғланади. У Бароқхон (1556 йилда вафот этган) номи билан ҳам машҳур бўлган.

Мадраса жуда усталик билан планлаштириб қурилганки, ўзидан илгари тушган шу ердаги мақбаралар мадрасанинг ажралмас қисми бўлиб қолган. Улардан бирининг кимга мансуб эканлиги маълум эмас. Иккинчиси — Тошкентдаги шайбонийлар сулоласининг асосчиси Суюнжихон (у 1525 йилда вафот этган) мақбарасидир. Мақбара плани марказга асосланганлиги яққол сезилиб туради. Ички деворларидаги тахмонлар ҳисобига анча кенгайтирилган. Зал томи бир-бири билан кесишган равоқлар ва гажжакларга таянган гумбаздир. Ундан цилиндр барабанига ўрнашган ташқи гумбаз кўтарилиб турарди. У 1868 йилдаги зилзила вақтида бузилиб кетган.

Мақбаранинг гумбази сирланган кошин билан қопланганга кўра мақбара аҳоли орасида «кўк гумбаз» деб ҳам юритилади. Гумбазнинг цилиндр барабани кошинкор мураккаб гирх билан безатилган. Гирхларга кўпёқли ва юлдузсимон шакллар солинган. Гумбазни асосдан ажратиб турган шарафа тагига хатти сула билан қуръон оятлари ёзилган. Кўк заминдаги оқ ҳарфлар яққол ажралиб туради.

Мақбарага тоқи-равоқли пештоқ орқали кирилади. Мақбара ички безакларининг муҳташамлиги XV

асрдаги Самарқанд меъморчилигининг энг гўзал намуналари — Оқ сарой, Ишратхона, Чилдухтарон мақбараларидан қолишмас эди. Деворлари, тоқилари бағалларига ранг-баранг орнамент кундал усулида берилган ва устидан зарҳал югуртилган. Деворнинг тўқ яшил рангли олти ёқли сирли парчин плиталар териб ишланган изорасига зарҳал югуртиб нафис безак берилган.

Суюнжихон мақбараси мадрасанинг композицион марказида бўлиб, асосий пештоқнинг рўпарасида жойлашган.

Иккинчи мақбара мадраса асосий фасадининг жануби-шарқий бурчагига жойлашган. У ҳажми безагининг соддалиги билан унча кўзга ташланмайди, унинг олд томони сайқал берилган ғишт териб ишланган. Мақбаранинг архитектура ва конструкция жиҳатларидан бир хиллиги унинг Суюнжихон мақбараси билан бир даврда қурилганлигидан далолат беради.

Мадрасанинг асосий фасади кўчага қараган. Унинг келишган пештоқи равоқлари сирланган парчинлар териб безатилган. Пештоқнинг бурчакларини иккита гулдаста бирлаштирган. Ҳовлининг шимолий ва жанубий томонларига бир қаватли ҳужралар қурилган.

Бароқхон мадрасаси 1859 йилда Тошкент ҳокими Қаноатшох даврида кўп марта қилинган ремонтлар вақтида анча ўзгариб кетган. Унинг дастлабки кўриниши бузилган. XVIII—XIX асрлар мобайнида Бароқхон мадрасасининг қимматли ўймакор, садаф қадалган эшиклари, мақбара ичидаги агальматолиб устунлари, ўймакор безаклари ва ҳоказолар йўқолиб кетган. 1868 йилгача олинган суратлари, кошин ва безакларнинг 1935—1956 йилларда таъмир қилиш ишлари ўтказилаётган вақтда очилган ва тупроқ орасидан топилган қолдиқларигина мадраса фасадлари ва интерьерларининг қадимги кўринишини тўлароқ тасаввур қилиш имконини беради.



Бароқхон мадрасаси. Асосий пештоқ.

Медресе Барак-хана. Главный портал.



Бароқхон мадрасасининг ҳовлиси

Медресе Барак-хана. Двор.



Бароқхон мадрасаси. Гумбазнинг бир қисми.

Медресе Барак-хана. Деталь купола.

Медресе Барак-хана — один из красивейших архитектурных памятников Ташкента XVI века. Его сооружение предание связывает с именем шейбанида Науруз-Ахмед-хана (он же Барак-хан. Умер в 1556 году).

В общий абрис медресе очень остроумно вкомпанованы построенные несколько ранее мавзолеи. Один из них не сохранил своего имени, а другой является усыпальницей Суюнидж-хана — основателя династии ташкентских шейбанидов (умер в 1525 году). Мавзолей имеет очень ясный центрический план, пространство интерьера увеличено за счет глубоких ниш. Получившийся зал крестообразного плана перекрыт звездчатым куполом, лежащим на пересекающихся арках и щитовидных парусах. Над этим внутренним возвышался основанный на цилиндрическом барабане внешний купол. Он разрушился во время землетрясения 1868 года.

Среди старожилов все ещё сохраняется название «Кок гумбаз» («голубой купол»), связанное с цветом поливных кашиновых изразцов, покрывавших его. Высокий цилиндрический барабан был облицован мозаикой сложного геометрического орнамента с вставками многогранников и звезд. Под карнизом — шарафа, отделявшим купол от основания, шел пояс надписей почерком сульс. На синем фоне четко читались белые буквы выдержек из корана.

Вход в мавзолей представляет собой стройный портал со стрельчатым сводом. Интерьер по богатству

отделки не уступал лучшим образцам самаркандского зодчества XV века — мавзолеям Ак-Сарай, Ишрат-хана, Чильдухторан. Стены, арки, паруса были покрыты росписью в технике кундаль, с обилием многоцветных орнаментов, покрытых позолотой. По низу шла панель из шестигранных плиток темно-зеленой поливы с тончайшей росписью золотом поверх глазури. Усыпальница Суюнидж-хана является композиционным центром медресе и расположена на длинной оси напротив портала главного входа.

Второй мавзолей вкопанован в юго-восточный угол главного фасада медресе. Он скромен по размерам и декору, в отделке его фасадов использован шлифованный кирпич. Однозначность приемов архитектурного и конструктивного решений свидетельствует о хронологической близости его с мавзолеем Суюнидж-хана.

Главный фасад медресе обращен на улицу. Его стройный портал с глубокой входной нишей расчленен декоративными панно из глазурованных плиток. Две трехчетвертные колонны-гульдаста зрительно закрепляют углы портала. Длинные стороны двора (северная и южная) были застроены в один этаж худжрами.

Медресе Барак-хана в 1859 году при Ташкентском правителе Канаат-шахе сильно пострадало от многочисленных ремонтов и перестроек, грубо исказивших его первоначальный вид. В течение XVIII—XIX веков медресе Барак-хана утратило много ценных деталей: двери с резьбой и инкрустациями, трехчетвертные колонки из агальматалита в интерьере мавзолея, резной декор. Только фотографии, выполненные до 1868 года, и фрагменты облицовок и декора, освобожденные от ремонтных наслоений или извлеченные из земли и мусора при реставрации в 1935—1956 гг., дают возможность полнее представить себе былое великолепие фасадов и интерьеров комплекса.

*На узбекском и русском языках*

*Вера Андреевна Булатова*

**МЕДРЕСЕ БАРАК-ХАНА**

Редакторы М. Сиддикова, Д. Острицкий
Художник Б. Е. Человин
Худож. редактор А. Ахмеджанов
Техн. редактор А. Г. Альберт
Корректоры И. Колганова, С. Бадалов.

Сдано в набор 3/IV-1972 г. Подписано в печать 12/VI-1972 г. Формат бумаги 84×90 1/32 № 1. Физ. печ. л. 0,375. Усл. печ. л. 0,52. Уч.-изд. л. 0,2+0,17 вкл. Тираж 30000. Р 05057. Издательство «Узбекистан», Ташкент, ул. Навои, 30. Договор № 257—70.

Ташкентский Полиграфкомбинат Госкомитета Совета Министров УзССР по печати, ул. Навои, 30, Зак. 1435. Цена 4 к.

Б 94 Булатова В.
Бароқхон мадрасаси. Т., «Ўзбекистон», 1972.
расм.
Тит. в. ва текст ўзб., рус тилларида.
Булатова М. Медресе Барак-хана.
72CI(C52)

№ 219—72
Навоий номли ЎзССР
давлат кутубхонаси.

3-2-1
1972

4 к.

издательство
„УЗБЕКИСТАН”